

**ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ КЎЛАМИНИ  
АНИҚЛАШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ.**

**Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,  
иқтисод фанлари доктори.*

**Нажмиддин Рахматуллаевич Абдувоҳидов**

*Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходими.*

**Аннотация:** мақолада мамлакатимизда сўнги беш йил давомида яширин иқтисодиётга қарши хукуматимиз томонидан бир қанча қатъий чора-тадбирлар белгиланишига қарамасдан, бугунги кунда яширин иқтисодиёт кўлами юқорилигича қолаётганлиги қайд этилган. Шунингдек, мамлакатимиз ЯИМ таркибида хизматлар соҳасини улуши йилдан –йилга ўсиб боришига қарамасдан, ушбу тармоқларда ҳам яширин иқтисодиёт кўлами юқори кўрсаткични ташкил этаётганлиги ҳам қайд этилган. Булардан келиб чиқиб, муаллифлар томонидан Самарқанд вилоятидаги хизматлар кўрсатиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларда аниқланган яширин иқтисодиёт ҳолатлари уларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини ўргага ташлаган.

**Калит сўзлар:** яширин иқтисодиёт, кузатилмайдиган иқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот, хизматлар соҳаси, яширин иқтисодиёт улуши, камерал назорат, камерал текширув, солиқ аудити.

**ВЫЯВЛЕНИЕ И УСТРАНЕНИЕ МАСШТАБОВ ТЕНЕВОЙ  
ЭКОНОМИКИ В СФЕРЕ УСЛУГ**

**Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев**

**Нажмиддин Рахматуллаевич Абдувоҳидов**

**Аннотация:** В статье отмечается, что, несмотря на принятие рядом строгих мер правительством нашей страны за последние пять лет для борьбы с теневой экономикой, её масштабы остаются значительными до сих пор. Также подчеркивается, что, хотя доля сектора услуг в структуре ВВП страны с каждым годом увеличивается, масштабы теневой экономики в этом секторе также остаются высокими. Исходя из этого, авторы проанализировали случаи теневой экономики, выявленные в сфере услуг среди хозяйствующих субъектов Самаркандской области, и представили свои предложения и мнения по её предотвращению и устранению.

**Ключевые слова:** теневая экономика, неучтённая экономика, валовой внутренний продукт, сфера услуг, доля теневой экономики, камеральный контроль, камеральная проверка, налоговый аudit.

**IDENTIFYING AND ELIMINATING THE SCALE OF  
THE HIDDEN ECONOMY IN THE SERVICE SECTOR**

**M.K.Pardaev, N.R.Abduvohidov**

**Abstract:** The article notes that despite the implementation of several strict measures by the government of our country over the past five years to combat the hidden economy, its scale remains high to this day. It also highlights that although the share of the service sector in the structure of the country's GDP has been growing year by year, the scale of the hidden economy in this sector is also significant. Based on this, the authors have analyzed instances of the hidden economy identified in the service sector among economic entities in the Samarkand region and have presented their proposals and opinions on its prevention and elimination.

**Keywords:** the hidden economy, unobserved economy, gross domestic product, service sector, share of the hidden economy, desk control, desk audit, tax audit.

**Кириш. Мавзунинг долзарбилиги.** 2024 йилнинг 6 август куни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги томонидан “Ўзбекистонда норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш натижалари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Бунда Статистика агентлиги раҳбари ва ходимлари, Халқаро валюта жамғармаси эксперти, республика вазирлик ва идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида Статистика агентлиги директори Баҳодир Бегалов “Ўзбекистонда норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш натижалари” мавзусида тақдимот қилди. Ушбу тақдимотда Агентлик томонидан мамлакатимиз тарихида биринчи марта яширин иқтисодиёт қўлами баҳолангани, яширин иқтисодиётни умумлаштирган ҳолда “**кузатилмайдиган иқтисодиёт**” термини орқали тақдим этилиб, кузатилмайдиган иқтисод, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг “Кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш бўйича қўлланма”сига асосан доимий статистик кузатувларда тўлиқ ёки қисман қамраб олинмаган, шунингдек, статистик кўрсаткичларда акс эттиришда билвосита усууллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият сифатида таърифланган.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт таркибига **норасмий, яширин ва ноқонуний иқтисодий фаолият турлари** кириши эътироф этилди.

**Норасмий иқтисодиёт** деганда, жисмоний шахсларнинг даромад олиш мақсадида (бозор учун) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда уй хўжаликларининг ўз истеъмоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича фаолиятларини қамраб олиши тушунилади.

**Яширин иқтисодиёт** деганда, соликقا тортилмаслик ёки қонунчиликда белгиланган талабларга (санитария гигиена, сертификатлаш ва меҳнат шароитлари бўйича талаблар, кичик корхоналарга ходимлар сони бўйича белгиланган меъёрлар ва бошқалар) риоя қилмаслик мақсадида, статистика ҳисботларида фаолият кўрсаткичларини тўлиқ ёки қисман яшириб кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини ўз ичига жараёни тушунилади. Шунингдек, яширин иқтисодиётга белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда фаолият юритувчи корхоналар фаолияти ҳам киритилади.

**Ноқонуний иқтисодиёт** деганда эса, қонун билан таъқиқланган товарлар ва

хизматларни ишлаб чиқариш, сотиш ва сақлаш ҳамда тегишли рухсатномасиз амалга ошириладиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ўз ичига олган ҳолатлар тушунилади. Уларга қурол-яроғ савдоси, гиёҳванд моддалар етиштириш ва сотиш, фоҳишилик, контрабанда ҳамда маҳсус рухсатномасиз алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ноқонуний тиббий хизматлар кўрсатиш, браконьерлик ва бошқа фаолият турлари киритилади.

Республикамизда халқаро молия институтлари эксперtlари ҳамкорлиги ва вазирлик идоралардан олинган таклифларни инобатга олиб, “кузатилмайдиган иқтисодиёт”ни статистик баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган. Ушбу услубиёт асосида Мамлакатимизда 2017-2023 йиллар учун иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар кесимида норасмий ва яширин иқтисодиёт ҳажми ва унинг ЯИМга таъсири статистик баҳоланган. Республикаимизда 2023 йил якунлари бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт (норасмий ва яширин иқтисодиёт йигиндиси) ҳажми ЯИМнинг 27,9 %дан 35,5 %га, саноат тармоғида 3,7 %дан 9,6 %га, қурилиш соҳасида 20,5 %дан 41,4 %га, хизматлар 27,2 %дан 39,2 %га ўзгарганини кўрсатилган. 2023 йилда кузатилмайдиган (норасмий ва яширин) иқтисодиёт ҳажмининг тармоқлар бўйича тақсимланишига эътибор берилганда, унда **хизматлар соҳаси 48,5%** га тўғри келмоқда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 36,8%, қурилиш 8,3%, саноат 6,4% эканлиги ҳам аниқланган<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқилдиган бўлсак, норасмий ва яширин иқтисодиётта статистик баҳо берилган ҳолда, ноқонуний иқтисодиётта баҳо берилмаганлигини кузатишими мумкин. **Ноқонуний иқтисодиётнинг иқтисодиётдаги улуши**, шу жумладан макроиктисодий кўрсаткичлар шаклланишига таъсири аҳамиятсиз даражада кичик бўлиши сабабли, халқаро тажрибада, ноқонуний иқтисодий фаолиятни статистик баҳолаш амалга оширилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Юқоридаги рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимиз ЯИМ ҳажмида хизматлар соҳаси улуши йилдан йилга ошиб бориши билан биргаликда, ушбу соҳада яширин иқтисодиёт ҳажми ҳам юқорилигича қолмоқда ёки умумий баҳоланган “Кузатилмайдиган иқтисодиёт” таркибида хизматлар соҳаси улуши 48,5 % ташкил этиши, бу соҳада кенг кўламли ислоҳатларни амалга оширишни талаб этади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Халқаро миқёсда яширин иқтисодиёт муаммоларини тадқиқ қилган олим ва тадқиқотчилар жумласига: Э.Шутхерланд, К. Ҳарт, Э.Файге, Р. Гутманн, Г.Ямада, А.Портес, С.Сасс эн-Кооб, Д.Меад, С.Морриссон, Б.Даллаго, Ф.Шнайдер, А.Буех, П.Лемиеукс, С.Виллиамс, Д.Андревс, А.Санчез, А.Жонссон, Л.Фелд ва бошқалар.

Мамлакатимизда ушбу соҳада илмий тадқиқот олиб борган олим ва тадқиқотчилар жумласига: А.Ўлмасов, Ш.Қобилов, К.Мамбетжанов, А.Худойназаров, А.Ахмадалиев, Н.Абулқосимов, Н.Мўминов, Р.М. Алимов, В.Н. Галкин, З.С. Зарипов, Т.В. Иминов, А.Т. Исаходжаев, И. Исмоилов, Қ. Миражонов, А.А. Ортиқов, Ҳ. Одилқориев, И.Рустамов, З.К. Тошев кабиларни киритиш мумкин.

<sup>1</sup> “Кузатилмайдиган иқтисодиёт: Ўзбекистондаги норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш натижалари” 08.08.2024й. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳатлар марказининг <https://review.uz> сайти, таҳлил бўлими.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида мантиқий ёндошув, қиёсий таҳлил, гурӯхлаш, таҳлил ва синтез ҳамда иқтисодий таҳлилнинг бошқа усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамалакатимизда яширин иқтисодиёт қўламини камайтиришнинг асосий йўналиши этиб, тармоқларни рақамлаштириш ёки “Рақамли иқтисодиёт” белгилаб олинган. Бу соҳада Президентимизнинг алоҳида қарор ва фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ҳам қабул қилинди.

Президентимизнинг 2020 йил 05 октябрда ““Рақамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармонида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини қўрсатиш механизмларини янада такомиллаштиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси тасдиқланган<sup>2</sup>.

2019 йилда халқаро молия институтлари эксперtlари билан ҳамкорликда мамлакатимизда яширин иқтисодиёт қўламини баҳолаш ишлари олиб борилиб, унинг натижалари бўйича хукumatга киритилган таклифлардан келиб чиқиб, яширин айланманинг, айниқса, савдо ва умумий овқатланиш, автотранспортда ташиш, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш, туаржой хизматларини қўрсатиш каби соҳаларда юқори даражада сақланиб қолаётганлигидан, яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли фармони қабул қилинди<sup>3</sup>.

Юқоридаги фармонлар ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарори<sup>4</sup> қабул қилиниб, унда солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчларни автоматлаштирилган компьютер тизим орқали аниқлаб, уларни тоифага ажратиш белгиланган. Кўрилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун, Президентнинг ПФ-6098-сонли фармони билан 19 та йўналишдаги қўшимча маълумотларни реал вақт режимида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан солиқ қўмитасига электрон алоқа воситалари орқали тақдим этиб бориши белгиланган.

**Солиқ хавфи** — бюджет тизимиға солиқ ва йиғимлар (кейинги ўринларда — солиқлар) тўланмаслиги ёки тўлиқ тўланмаслигига олиб келиши мумкин бўлган, солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ мажбуриятларини

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрда “Рақамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6098-сонли фармони.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 1-сонли қарори.

бажармаслик ёки тўлиқ бажармаслик эҳтимоли, -деб таъриф берилган<sup>(4)</sup>.

Солик идораларидағи бу автоматлаштирилган дастур(«Солик хавфини аниқлаши, таҳлил қилиши ва баҳолаши»), фақатгина расмий равишда давлат рўйхатидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича солик хавфини дастлабки ҳисоб-китоблар асосида баҳолайди.

**Камерал солик текшируви** — солик тўловчилар (солик агентлари) томонидан солиқлар ва йигимлар тўғри ҳисобланишини, ўз вақтида ва тўлиқ бюджет тизимиға тўланишини текшириш мақсадида солик тўловчи, солик агентлари томонидан тақдим этилган солик ҳисоботларини ва (ёки) солик органида мавжуд бўлган солик тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида солик органи томонидан ўтказиладиган текширув;

**Солик аудити** — солик тўловчининг (солик агентининг) муайян даврдаги молия ва солик ҳисоботларининг солик тўғрисидаги қонунчиликка барча жиҳатлардан мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини, солик солиш мақсадларида бухгалтерия ҳисоби ва солик солиш мақсадларида ҳисобга олишда солик мажбуриятларининг тўғри шакллантирилиши ва акс эттирилишини солик органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текшириш.

“Яширин иқтисодиёт” улушини ҳисоблаб чиқаришнинг турли усуллари мавжуд. Уларни умумлаштириб иккита асосий тоифага бўлиш мумкин:

Биринчиси, микроусуллар (бевосита) бўлиб, бунда сўровлар, танланма кузатувлар, солик текширувлари орқали амалга оширилади;

Иккинчиси, макроусуллар (бильвосита) ҳисобланади. Бунда монетар усуллар, иш билан бандлик таркиби ва натижалари бўйича ҳамда баланс усуллари орқали аниқланади<sup>5</sup>. Биз юқорида кўрсатиб ўтган Камерал солик текширув ва солик аудити бу яширин иқтисодиёт улушини аниқлашнинг микроусули (бевосита) тоифасига тегишлидир.

Биз автоматлаштирилган тизим орқали Самарқанд вилоятидаги хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасидаги субъектларда 2021 ва 2023 йиллар давомида аниқланган яширин иқтисодиёт ҳолатлари ва уни Ўзбекистон Республикаси солик кодексининг 138 (камерал солик текшируви) ва 140 (солик аудит)-моддаси<sup>6</sup> талаблари асосида бартараф этилиши орқали, давлат бюджетига қўшимча даромадлар ҳисобланганлик ҳолатларини кўриб чиқамиз. Бунинг 2021-2023 йилларга таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

<sup>5</sup> 5.Х.П.Абулқосимов, Н.Г.Мўминов, “Хуфиёна иқтисодиёт” Ўқув қўлланма, Т.:2020 “Янги нашр” 304-б;

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, У бўлим, 17-боб, 138-140-моддалари.

## 1-жадвал

**2021 ва 2023 йилда Самарқанд вилоятида хўжалик юритувчи субъектлар  
(шу жумладан хизматлар соҳаси)да камерал солик текширув ва солик аудитлари асосида аниқланган яширин иқтисодиёт ҳажмлари ва уларни бартараф этилиши оқибатида бюджетга ҳисобланган қўшимча**

**тўловлар тўғрисида  
М А Ъ Л У М О Т\***

Кўрсаткичлар	2021 йиллар			2023 йиллар		
	Камерал текширишда	солик аудити да***	жами	Камерал текширишда	солик аудити да***	жами
<b>1. Солик текширувларида аниқланган жами ҳолатлар(қўшимча солик ҳисобланган)</b>						
1.	1. Субъектлар сони	4771	179	4950	3325	296
	2. Ҳисобланган солик суммаси, млн. сўм	357303,6	89671,9	446975,5	145657,0	202417,0
	3. Яширилган ёки камайтириб кўрсатилган реализация иш ва хизматлар ҳажми, млн сўм	2143821,6	529262,2	2673083,8	903073,4	974414,4
						1877487,8
<b>2. Солик текширувларида аниқланган <u>хизматлар соҳасидаги ҳолатлар</u> (қўшимча солик ҳисобланган)**</b>						
2.	1. Субъектлар сони	2713	86	2799	1125	141
	2. Ҳисобланган солик суммаси, млн. сўм	211191,8	54215,0	265406,8	28676,3	109118,2
	3. Яширилган ёки камайтириб кўрсатилган иш ва хизматлар ҳажми, млн сўм	1185533,3	361441,9	1546975,2	169777,7	541700,0
						711477,7
<b>3. Жами аниқланган ҳолатларда хизматлар соҳаси улуши, %</b>						
3.	1.Субъектлар сони бўйича	56,8	48,0	56,5	33,8	47,6
	2. Ҳисобланган солик суммаси бўйича	59,1	60,4	59,3	19,6	53,9
	3. яширилган камайтириб кўрсатилган ҳажм бўйича	55,2	68,2	57,8	18,7	55,5
						37,8

\* Самарқанд вилояти солик идоралари маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган;

\*\*Хизматлар соҳаси, Вазирлар Маҳкамасининг 24.08.2016 й.даги 275-сон қарори билан тасдиқланган таснифлагичнинг G секциядан S секциягача бўлган (45..-96.. кодлар) корхоналари инобатга олинди;

\*\*\* Солик аудитидан фақатгина товарлар реализацияси иш ва хизматлар ҳажмини яширган ва камайтириб кўрсатган субъектлар олинди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, **2021 йилда Камерал солик текширишлар якуни билан Самарқанд вилояти бўйича 4771та хўжалик юритувчи субъектларда товарлар реализацияси иш ва хизматлар ҳажмини яшириш ҳамда ҳисботларда камайтириб кўрсатиш ҳажми 2143,8 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу субъектларга 357,3 млрд сўм қўшимча солик ва тўловлар ҳисобланган, шу**

жумладан хизматлар соҳасида 2713 та корхонада бажарилган иш ва хизматлар ҳажмини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш ҳажми 1185,5 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу субъектларга 211,2 млрд сўм бюджетга қўшимча солиқлар ҳисобланган.

**2023 йил** давомида эса 3325 та хўжалик юритувчи субъектларда товарлар реализацияси иш ва хизматлар ҳажмини яшириш ҳамда ҳисботларда камайтириб кўрсатиш ҳажми 903,0 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу субъектларга 145,6 млрд сўм қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисобланган, шу жумладан хизматлар соҳасида 1125 та корхонада бажарилган иш ва хизматлар ҳажмини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш ҳажми 169,7 млрд сўмни ташкил этиб, ушбу субъектларга 28,6 млрд сўм бюджетга қўшимча солиқлар ҳисобланган.

**2021 йил** давомида вилоят бўйича **солиқ аудити** текширувларида 179 та субъектда 529,2 млрд сўмлик товар ва хизматлар реализациясидан тушган тушумларни яшириш ҳолати аниқланган бўлиб, ушбу субъектларга жами 89,7 млрд сўм (жарималардан ташқари) солиқ ва тўловлар бюджетта қўшимча ҳисобланган, шундан 86 та хизматлар соҳасидаги субъектда 361,4 млрд сўмлик хизматлар реализациясидан тушган тушумларни яшириш ҳолати аниқланиб, ушбу субъектларга 54,2 млрд сўм бюджетта қўшимча солиқлар ҳисобланган.

**2023 йил** давомида вилоят бўйича **солиқ аудити** текширувларида 296 та субъектда 974,4 млрд сўмлик товар ва хизматлар реализациясидан тушган тушумларни яшириш ҳолати аниқланган бўлиб, ушбу субъектларга жами 202,4 млрд сўм (жарималардан ташқари) солиқ ва тўловлар бюджетта қўшимча ҳисобланган, шундан 141 та хизматлар соҳасидаги субъектда 541,7 млрд сўмлик хизматлар реализациясидан тушган тушумларни яшириш ҳолати аниқланиб, ушбу субъектларга 109,1 млрд сўм бюджетта қўшимча солиқлар ҳисобланган.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, 2021 йилда жами текширув (камерал, солиқ аудит)ларда аниқланган яширин иқтисодиёт ҳажмида хизматлар соҳаси улуши 57,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 37,8 фоизни ташкил этмоқда ёки 2023 йилга нисбатан 20 пунктга камайган.

2023 йил солиқ текширувларида аниқланган яширин иқтисодиёт ҳажми 2021 йилга нисбатан 1,4 (2673,1/1877,4) баробарга камайган бўлса, хизматлар соҳасида аниқланган яширин иқтисодиёт ҳажми 2021 йилга нисбатан 2,2 (1546,9/711,4) баробарга камайган

Бу ҳолат шундан далолат берадики, охирги йилларда яширин иқтисодиётга қарши курашишда иқтисодиётни рақамлаштиришга катта эътибор берилаётганлиги, хўжалик юритувчи субъектларга Солиқ идоралари томонидан инсон омилига боғлиқ бўлмаган ҳолда компьютер дастурий маҳсуллар орқали аниқланган камчиликларни доимий равишда электрон каналлар орқали тезкор юбориб турилиши ва хўжалик субъектлари томонидан бу камчиликларни текширувларга қадар бартараф этиш орқали эришилмоқда.

Бундан ташқари корхоналарга электрон тўловлардан фойдаланганлик, онлайн НКМларидан фойдаланганлик ва бошқа ҳолатлар учун солиқ имтиёзлари, фуқароларга эса сотиб олинган товар, бажарилган иш ва хизматларга тўланган тўлов чеклари учун тўланган сумманинг бир қисмини қайтариб бериш тартиблари қўлланилаётганлиги ўз самарасини кўрсатаяпти.

**Хулоса ва таклифлар.** Яширин иқтисодиёт кўлами ва коррупция даражасини қисқартиришнинг халқаро миқиёсда кенг эътироф этилаётган асосий йўналиши -иқтисодиётни рақамлаштиришdir.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт даражасини янада ривожлантириш ҳамда яширин иқтисодиёт кўламини камайтириш юзасидан қуйидаги таклифларни билдирамиз:

Инсон омилини чекловчи, яширин иқтисодиёт кўлами ва коррупция даражасини камайишига сабаб бўлувчи, рақамли иқтисодиёт параметрларини Президент фармонида белгиланган муддатларда ижро этилишини қатъий назорат остида ижросини таъминлаш;

Кўшимча равища давлат идораларининг маълумотлар базасини интеграциялаш ишларини ташкил этиш, масалан, солиқ идоралари ва статистика идораларига хўжалик субъектлари томонидан тақдим этадиган йиллик ҳисоботларини тақдим этишда бир-бирида фарқ суммалар мавжуд бўлса, автоматик равища рад этиш ва камчиликни маълумотлар базасида кўрсатиш-бу орқали сунъий қўшиб ёзиш натижасида вужудга келадиган яширин иқтисодиёт кўрсаткичлари автоматик равища бартараф этилади, статистик кўрсаткичларни ишончлилик даражаси ошади, бюджетга қўшимча даромадлар ҳисобланиши таъминланади;

Ракамлаштириш тадбирларини комплекс равища олиб бориш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини оширади, айрим вазирлик ва қўмиталар тизимида рақамлаштириш тадбирлари юқори айримларида паст даражада ташкил этилиши эса маълумотлар базасини интеграция қилиш жараёнини бузади, образли қилиб айтганда “занжир узилади”, бу эса кутилган иқтисодий натижани бермайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 й.даги ПФ-6079 фармони талаблари бўйича, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг рақамлаштириш доирасида амалга оширган фаолиятини мониторинг қилиш натижаларини ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилган чоралар тўғрисида доимий равища ОАВларида ахборот бериб борилишини таъминлаш;

Хўжалик юритувчи субъектлар масъул ходимларининг рақамли технологиялар билан ишлаш кўникмаларини доимий равища ошириб бориш механизmlарини яратиш;

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Кузатилмайдиган иқтисодиёт: Ўзбекистондаги норасмий ва яширин иқтисодиётни баҳолаш натижалари” 08.08.2024й. Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳатлар марказининг <https://review.uz> сайти, таҳлил бўлими.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрда “Рақамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-

6098-сонли фармони;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 январдаги “Солиқ хавфини бошқариш, солиқ хавфи мавжуд солиқ тўловчиларни (солиқ агентларини) аниқлаш ва солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ти 1-сонли қарори;

5.Х.П.Абулқосимов, Н.Г.Мўминов, “Хуфиёна иқтисодиёт” Ўкув қўлланма, Т.:2020 “Янги нашр” 304-б;

6. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, У бўлим, 17-боб, 138-140-моддалари.

7. Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев, Нажмиддин Рахматуллаевич Абдувоҳидов. Хизмат кўрсатиши соҳасида яширин иқтисодиётни қисқартириш орқали иқтисодий самарадорликни оширишнинг устивор йўналишлари.// Progress Annals: Journal of Progressive Research Volume 2, Issue 10, October 2024. ISSN (E): 2810-6466. Website: <https://academiaone.org/index.php/8 - 41-49> бетлар.